ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.32.30.12.2019.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ

БАБАНАЗАРОВ КАЛБАЙ РУСТАМОВИЧ

АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТНИ РАДИАЦИЯ ТАЪСИРИДАН ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ.

ЮРИДИК ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 349.6(043.5)(575.1)

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Бабаназаров Калбай Рустамович
Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий
муҳофаза қилишни такомиллаштириш 3

Бабаназаров Калбай Рустамович
Совершенствование правовой охраны окружающей
природной среды от радиации 33

Babanazarov Kalbay Rustamovich
The improvement legal protection of environment
from radiation risk decisions 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 68

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.32.30.12.2019.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ

БАБАНАЗАРОВ КАЛБАЙ РУСТАМОВИЧ

АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТНИ РАДИАЦИЯ ТАЪСИРИДАН ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ.

ЮРИДИК ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Yu45 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Матқурбанов Рашид Жолдасбаевич** юридик фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Холмуминов Жуманазар Тоштемирович** юридик фанлар доктори, профессор
	Сафаров Джахонгир Исмаилович юридик фанлар доктори, доцент
	Утегенов Онгарбай Дариябаевич юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32.30.08.2019.Yu.74.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил 11 12 соат 14:30даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу қўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

Диссертациябилан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1923 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу қўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2020 йил 4, 12 тарқатилди.
(2020 йил 4.12 даги 12 рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи бир марталикилмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор.

М.Т.Ахмедова.
Илмий даражалар берувчи бир марталикилмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент.

Ш.Б.Усмонов.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор.

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда атроф табиий муҳитни, унинг объектлари ҳисобланган атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилма-хиллик ва табиий ҳудудларни антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ҳамда муҳофаза қилиш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш, заҳарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг экологик хавфсиз тизимини такомиллаштириш келажак авлодларнинг манфаатлари йўлида давлатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш имконини беради.

Дунёда халқаро тамойилларга мувофиқ, кимёвий моддалар ва барча чиқиндилардан уларнинг бутун ҳаётий цикли давомида экологик жиҳатдан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда одамларга ва атроф-муҳитга салбий таъсирини энг кам даражага етказиш учун ҳавога, сувга ва тупроққа тушишини жиддий равишда қисқартиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш муҳим бўлиб, хавфли кимёвий моддаларнинг таъсири, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши натижасида, жумладан кимёвий ишлаб чиқариш ҳамда зарарли моддалар кўмилган жойларда, ўлим ва касалланиш ҳолатларини қисқартириш, чиқиндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш, қайта ишлаш ва такрорий фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар орқали атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишни такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат экологик сиёсатининг барча йўналишларида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш; атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш; фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш»[1] каби муҳим вазифалар белгиланган. Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан, экологик қонун ҳужжатлари

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

талабларининг бузилиши, заҳарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминламаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса, мамлакатимизда атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишни янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (1992), «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни (2000), «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуни (2002), «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 апрелдаги 98-сон «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 июндаги 375-сон «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари қоида-талабларини янада такомиллаштириш, ижросини таъминлаш ва давлат экологик сиёсатининг ҳуқуқий механизми самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2].

Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилишни такомиллаштириш соҳасида экологик-ҳуқуқий тадқиқотлар дунёнинг етакчи

[2] Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: https://www.cam.ac.uk; https://www.wessex.ac.uk; https://www.utoronto.ca; https://www.web.mit.edu; https://www.uniroma1.it; https://www.uniroma3.it; http://www.osaka-u.ac.jp/en/index.html/; http://www.kindai.ac.jp/english/; http:www.iuac.res.in; http://www.unvienna.org; http:www.pku.edu.cn; http://www.msu.ru; http://www.spb.ru.

илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cambridge University, Wessex Institute of Technology (Буюк Британия), University of Toronto (Канада), Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Sapienza University of Rome, Roma Tre University (Италия), Osaka University (Япония), Kinday University (Япония), Inter–University Accelerator Center (Ҳиндистон), Vienna International Centre (Австрия), Peking University (Хитой Халқ Республикаси), Москва давлат университети, Петербург давлат университетида (Россия) олиб борилмоқда.

Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларга оид қайд этилган хорижий илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижаларга эришилган, жумладан:

Экологик хавфсизликни таминлаш орқали иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва биохилмахилликни сақлаш асослантирилган (Cambridge University, Буюк Британия); инсон саломатлигини таъминлашда радиациявий хавфнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш асосланган (Wessex Institute of Technology, Буюк Британия, University of Toronto, Канада); радиациянинг атроф табиий муҳит ва инсон организмига таъсирини доимий баҳолаб бориш тизимини жорий этиш таклиф этилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); радиациявий хавфсизликни таъминлашда жамоатчилик назоратини кенгайтириш зарурати асослаб берилган (Sapienza University of Rome, Roma Tre University, Италия); радиоактив чиқиндилардан фойдаланиш ва кўчиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар киритилган (Osaka University, Япония); маҳаллий давлат бошқаруви органлари ва институтларининг ролини ошириш орқали атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилишни самарали амалга оширишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлари таклиф этилган (Kinday University, Япония); ўсимлик ва ҳайвонларни радиация таъсиридан муҳофаза қилиш бўйича таклифлар асосланган (Inter –University Accelerator Center, Ҳиндистон); радиациядан ҳимоялаш ва ядро хавфсизлиги халқаро стандартларини янгилаш ҳамда миллий қонунчиликка радиациядан муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро стандартларни имплементация қилиш асослантирилган (Vienna International Centre, Австрия); радиоактив чиқиндиларни қайта ишлаш ва улар билан хавфсиз муомала қилишга қаратилган ҳуқуқий механизмлар таклиф этилган (Peking University, Хитой Халқ Республикаси); атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва атроф муҳитга таъсирни баҳолаш орқали радиациявий хавфсизликни такомиллаштириш асослантирилган (Москва давлат университети, Россия); экологик хавфсизликни таъминлашда радиациявий хавфни бартараф этиш бўйича дастур ишлаб чиқиш асослантирилган (Петербург давлат университети, Россия).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммосининг у ёки бу жиҳатлари мамлакатимиз эколог-ҳуқуқшунос олимлари Й.О.Жўраев, М.Б.Усмонов,

Ж.Т.Холмўминов, Ш.Х.Файзиев, Н.К.Скрипников, Дж.И.Сафаров, М.М.Нурматовларнинг илмий асарларида ўрганилган[3].

Шунингдек, атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг муҳим чора-тадбирлари ҳисобланган экологик экспертиза, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда жамоатчилик назорати, санитария-эпедимиология назорати, экологик меъёрлаш ва нормалаш, чиқиндилар билан муносабатда бўлиш, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ илмий муаммолар мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари У.Т.Аюбов, Н.Ш.Ражабов, Д.У.Арипов, О.Х.Нарзуллаев, О.Д.Утегенов ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилган[4].

Бу муаммо МДҲ олимларидан Н.Д.Вершило, А.К.Голиченков, Н.А.Духно, О.Л.Дубовик, А.Л.Иванова, О.С.Колбасов, А.О.Миняев, А.И.Перчик, В.В.Петров, В.Ф.Петренко, О.Л.Радчик, А.С.Шестерюк ва бошқа олимларнинг илмий ишларида умумназарий жиҳатдан у ёки бу даражада тадқиқ этилган. Ҳозирги кунда ҳорижий мамлакатларда: М.Кларк, А.Урикссон, И.Барраклоу, Д.Уведхед, Т.Эдисон, С.Уолкер, Р.Кларке, А.Мартин, С.Харибсон, Дж.Каррон, Н.Гейт, Ж.Валентин, Д.Коплестон, С.Джонс, Б.Ховард ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган[5].

Ушбу мавзуда илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш атроф табиий муҳитни радиациявий хавф-хатар таъсиридан муҳофаза қилишни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимини чуқур ва ҳар томонлама назарий мушоҳада этишга хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Қорақалпоқ давлат университети томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари мавзусига мос келади. Тадқиқот ишининг мавзуси Қорақалпоқ давлат университети Илмий кенгашининг 2015 йил 27 декабрдаги йиғилишида (5-сон баённома) тасдиқланган, 2018 йил 27 августдаги йиғилишида (1/6.1-сон баённома) қайта тасдиқланган ва университет илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган.

---

[3] Жўраев Й., Ғуломов М. Экология: жиноят ва жазо. –Т.:Меҳнат, 1990; Холмўминов Ж.Т. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий муаммолари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009. 240 б.; Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. –Т.:ТГЮИ, 2004. 246 с.; Скрипников Н.К. Трансграничное водопользование в Центральной Азии (правовой аспект). –Т.:ТГЮИ, 2004, 203 с.; Усмонов М.Б. Экология қонунчилиги муаммолари. //Ҳаёт ва қонун. 2002. №2. Б.54; Сафаров Дж.И. Ўзбекистон Республикасида экологик қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш масалалари: юрид. фан. номз. дисс. ...Автореферати. –Т.:2011; Нурматов М.М. Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик. Ўқув қўлланма. –Т.: Sano Standart, 2011. Б. 17-18

[4] Аюбов Т.У. Ер муносабатларини тартибга солиш. //Ҳаёт ва қонун. 1999. №1. Б. 46-52.; Арипов Д.У. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида“ги қонунига шарҳ. –Т.:ТДЮИ, 2007. 89 б.

[5] Вершило Н.Д. Правовая охрана окружающей среды и устойчивые развитие. //Под ред. М.М.Бринчука. – Саратов: ГОУ ВПО Саратов гос. академия права, 2005. 124 с.; Голиченков А.К. Основные подходы к разработке концепция Экологического кодекса РФ. //Право и политика. 2000. №10. С. 123-131; Духно Н.А., Чубаков Г.В. Экологическое право России. Учебник для вузов. –М., 2000. 111 с.; Иванова А.Л. Право ЕС об обращении с отходами. //Юридический мир. 2003. №9. С.35-48; Колбасов О.С. Зона экологического бедствия – шаг до пропасти. //Государство и право. 1992. №9. С.23-24; Петров В.В. Экологическое право России. Учебник. –М., Бек, 1995. 557 с.; Петренко В.Ф. Экологическая экспертиза. –М., 1996. 316 с.; Радчик О.Л. Юридическая ответственность за нарушение правил обращения с экологически опасными веществами и отходами: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –М., ИГП РАН, 2001

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни комплекс таҳлил қилиш асосида экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси ва тавсифини ишлаб чиқиш;

радиациявий хавф-хатар таъсири объектларини илмий-ҳуқуқий тушунчасини ёритиб бериш;

атроф табиий муҳитни радиация тасиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва экологик талабларни ёритиб бериш;

атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ҳамда экологик экспертизанинг ўрни ва ролини кўрсатиш;

атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилиш муносабатларида учрайдиган ҳуқуқбузарликлар тушунчаси ва турларини ёритиш ҳамда юридик жавобгарлик жазо чораларини ёритиб бериш;

атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳуқуқ манбалари ва улардан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш масалаларини ўрганиш;

атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича хорижий давлатлар қонунларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишни такомиллаштириш истиқболларини ёритиб бериш ҳамда таклиф ва тавсияларни илгари суриш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг умумий тавсифи, ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилиш воситаси сифатида юридик жавобгарлик чоралари, ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича халқаро тажриба ва ундан Ўзбекистон Республикасида радиациявий хавфсизликни таъминлашга оид қонунларни такомиллаштиришда фойдаланиш муаммолари, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақидаги концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашларга доир масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда илмий билишнинг мантиқийлик, тизимлилик, статистик ва аниқлашнинг бошқа умумий ва хусусий усулларидан фойдаланилган. Шу билан бирга, мавзу доирасида ишлаш жараёнида

воқеликни илмий тадқиқ этишнинг кузатув, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Бундан ташқари, радиоактив чиқиндилар ҳақидаги статистик маълумотлар, чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва қайта ишлашда қўлланиладиган алоҳида операциялар, усуллар ва ускуналарнинг табиий-илмий тавсифи ушбу диссертация тадқиқотининг эмпирик асосини ташкил этди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Муаллифлик ёндашуви асосида радиациявий хавфсизликни таъминлашни тартибга солишнинг императив (буйруқ) усули – ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар иштирокчисига буйруқ билан таъсир кўрсатиш орқали ва диспозитив усул – ҳуқуқий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли томонлари бўлган иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш усуллари билан таснифлаш таклиф этилган;

таркибида радиоактив моддалар мавжуд бўлган ёки ионлаштирувчи нурланиш чиқарадиган, ядровий қурилмалар жумласига кирмайдиган мажмуалар, қурилмалар, аппаратлар, ускуналар ва буюмлар – радиациявий манбалар сифатида; ионлаштирувчи нурланишни тарқатадиган, ядровий материаллар жумласига кирмайдиган моддалар – радиоактив моддалар сифатида; фойдаланиш учун мўлжалланмаган, йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кўп миқдордан ошадиган фаоллик даражасига эга радионуклидларни ўз ичига олган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги материаллар ва моддалар – радиоактив чиқиндилар сифатида белгилаш лозимлиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасини атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли орган этиб белгилаш ва унинг ваколатларини мустаҳкамлаш асослантирилган;

эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан йўл қўйилган, радиациявий таъсир натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрни атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозимлиги ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар эксплуатация қилувчи ташкилотга давлат бошқаруви органлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этилиши мумкинлигини белгилаш асослаб берилган;

саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиш, шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказган бўлса, – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача

миқдорда жарима солишга сабаб бўлишига оид санкцияларни белгилаш асослаб берилган;

белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш, шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказган бўлса, – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишига оид санкцияларни белгилаш асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунларни такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий механизмини мустаҳкамлаш, мулк ҳуқуқини амалга оширишда ўзга шахслар, шунингдек давлат ва жамият манфаатларига путур етказилишининг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасини янада самарали тартибга солиш ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш учун асос бўлади.

Радациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликда радиоактив чиқиндилар билан ишлаш тартибининг умумий принципларигина мустаҳкамланган бўлиб, бу радиоактив чиқиндилар билан ишлашда аҳоли ва атроф табиий муҳит хавфсизлигини таъминлаш механизми яратилмаганлигига сабаб бўлмоқда. Радиоактив чиқиндилар билан ишлаш тартибини қонуний асосда тартибга солиш учун алоҳида тартиб ва фойдаланиш қоидалари белгиланиши керак. Шу сабабдан, радиоактив чиқиндилар билан ишлаш стратегиясини доимий тарзда такомиллаштириб бориш лозимлигини инобатга олиб Ўзбекистон Республикасининг “Радиоактив материаллар ва чиқиндилар билан ишлаш тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши инсон саломатлиги ва атроф табиий муҳитга радиоактив чиқиндиларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва радиоактив чиқиндилар шаклланишини камайтириш орқали радиоактив чиқиндилар билан ишлаш хавфсизлигининг юқори даражасига эришишга хизмат қилади.

Экология ҳуқуқи доктринасида радиоактив чиқиндилар тушунчаси, классификацияси, улар билан ишлаш босқичлари ва мазмунига ягона бир ёндашув ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун бир оилага мансуб (радиоактив чиқиндилар, радиоактив чиқиндилар билан ишлаш) ва махсус тушунчалар – ишлатиб бўлинган ядро ёнилғиси, уларни йиғиш, ташиш, сақлаш ва чиқиндилар билан ишлашнинг бошқа кўринишлари, шунингдек, янада майда жиҳатлари, масалан алоҳида операциялар учун мўлжалланган ёки нурланган, иссиқлик тарқатувчи йиғилмаларни хусусий ва махсус тушунчаларга бўлиш

мақсадга мувофиқ. Бундай гуруҳларга ажратиш турли тоифадаги радиоактив чиқиндилар ва улар билан ишлашнинг алоҳида босқичлари учун мустақил ҳуқуқий тартиб ўрнатиш ҳамда шу орқали хавфсизлик ва назоратнинг янада қаттиқроқ чораларини қўллашга хизмат қилади.

“Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш мақсадида, унга радиациявий хавфсизликни суғурталашга оид 11-моддасига янги қисм киритиш зарурияти асослантирилди ҳамда унинг қуйидаги таҳрири таклиф этилди: “Радиациявий хавфсизликни суғурталаш ихтиёрий ва мажбурий тартибда амалга оширилади. Фуқаролар ўз ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини радиациявий таъсирдан суғурталашга ҳақлидирлар. Радиациявий объектлар билан боғлиқ юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳар қандай тижорат фаолияти суғурталаниши шарт. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар ҳаёти ва соғлиғи мажбурий суғурталанади. Радиациявий хавфсизликни суғурталаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади”. Табиийки, бу бир томондан фуқаролар соғлиғини қайта тиклашда муҳим замин яратса, бошқа томондан етказилган зарарни қоплаш учун ҳам хизмат қилади.

Фуқароларнинг экология қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида “Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисида маълумотларни олиш тўғрисида”ги қонунни, шунингдек, уни амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Бу эса, аҳолининг атроф табиий муҳитнинг ҳолати, радиациявий хавфсизлик тўғрисида ишончли ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Хулосалар тадқиқот мақсади ва вазифаларининг ечимини топиш борасидаги муаллифлик қарашлари, таклиф-мулоҳазалари, қиёсий таҳлилларга асосланган бўлиб, тегишли ўринларда иқтибослар, статистик материаллар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусидаги илмий ишларда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, экология, табиий ресурслар соҳасига доир қонун ҳужжатлари нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда юриспруденциянинг мазкур йўналишдаги фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида шу соҳа билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан экология ҳуқуқи фани назариясини бойитишда, экология қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикасида экологик сиёсатни шакллантиришда, “Экология

ҳуқуқи” фани бўйича ўқув ва услубий материаллар тайёрлашда, олий ўқув юртларида махсус курслардан маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

«Чиқиндилар ва хавфли ашёлар билан муомала қилишни ҳуқуқий тартибга солиш»га доир концептуал ғоя ва таклифлардан “Юриспруденция” йўналиши талабалари учун “Экология ҳуқуқи” (2017 й., 603-243 рақамли гувоҳнома) дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университетининг 2019 йил 18 сентябрдаги 09/2276-41-сон маълумотномаси). Натижада ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган талабалар, магистрантлар, ўқитувчилар, шунингдек, табиий ресурслардан махсус фойдаланувчилар ва табиатни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг билим, ўқув ва кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида радиациявий манбалар, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар каби асосий тушунчаларни қўллашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-565-сон «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги №07/1-68-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутиладиган асосий тушунчаларнинг бир хилда қўлланилишига ва мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилган;

атом энергениясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда махсус ваколатли органни белгилашга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-565-сон «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги №07/1-68-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли органни ва унинг ваколатларини қонун ҳужжатларида мустаҳкамланишига хизмат қилган;

радиациявий таъсир натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-565-сон «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 50-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги №07/1-68-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар радиациявий таъсир натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга ҳисса қўшган;

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик нормаларини кучайтиришга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 91-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги №07/1-68-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга оид ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтиришга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 91^1-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги №07/1-68-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 17 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро, 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та дарслик (ҳамуаллифликда), 19 та (16 та республика, 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн иккита параграфдан иборат тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 233 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, методлари, тадқиқотнинг гипотезаси, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси), натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертация тадқиқотининг тузилиши ёритилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг умумий тавсифи”**га бағишланган бўлиб, унда атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси ва тавсифи, радиациявий хавф-хатар таъсири объектлари, атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг ўзига

хос хусусиятлари, атроф табиий муҳитни радиация тасиридан муҳофаза қилиш бўйича экологик талабларнинг ҳуқуқий табиати очиб берилган.

Экология ҳуқуқи фани бўйича радиациявий хавфсизлик тушунчасининг назарий жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган. Энг аввало, радиация атамасини изоҳлаш, унинг мазмунига ойдинлик киритиш лозим. Махсус илмий манбаларда таъкидланишича, “радиация” атамаси инглизча “radiation” сўзидан олинган бўлиб, у бир қатор физик кўриниш сифатида тавсифланади. Аслида лотин тилидаги “radio” сўзидан ясалган “радиация” атамаси “қандайдир нарса (модда, ашё)лардан таралаётган турли нурланишлар”ни англатади[6]. Бошқа манбаларда таъкидланишича, “радиация” лотинча “radius” сўзидан олинган бўлиб, “нур” деган маънони англатади.

Халқаро экология ҳуқуқига оид ҳужжатларда ва махсус илмий адабиётларда “радиоактив ашёлар” атамаси ўрнига кўп ҳолларда “радионуклидлар” ҳамда “радиоактив элементлар” каби терминлар қўлланилади. Радионуклидлар – радиоактив парчаланишга мойил нуклидлар ёки беқарор атом ядроларидир.

Тадқиқот ишида баён қилинишича радиация ўзининг физик моҳияти бўйича ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарадиган ашёлардир (радиоактив ашёлар, радионуклидлардир), шу жумладан, улар ўз таркибида парчаланадиган ядровий ашёларга эга бўлган ёки шундай моддаларни вужудга келтиришга қодир ашёлардир.

Махсус илмий адабиётлар таҳлилига кўра радиоактив чиқиндилар ўз таркибига кўра, суюқ (сув ва бошқа - суюқлик кўринишида) ва қуюқ (маҳсулот, материал, қаттиқ модда ва қаттиқ-биологик объектлар) турларга бўлинади. Бундан ташқари, экология ҳуқуқига оид манбаларда радиоактив чиқиндиларнинг газ ҳолатида ҳам бўлиши мумкинлиги тилга олинган.

Келиб чиқиши бўйича радиоактив чиқиндилар, улар билан муносабатда бўлиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда табиий ва техноген-антропоген, яъни инсон фаолияти натижасида пайдо бўлган чиқиндиларга бўлинади. Шунингдек, биологик табиатига кўра, улар таркибида органик, ноорганик ва биологик моддалар бор бўлган радиоактив чиқиндиларга бўлинади.

Пайдо бўлиш манбаларига кўра, радиоактив чиқиндилар а) радиоактив рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлашда; б) ядро ёқилғисини ишлаб чиқаришда; в) ядро қуролини ишлаб чиқаришда; г) атом электростанцияларида энергия ишлаб чиқаришда; д) ишлатилган ядро ёқилғисини қайта ишлашда; е) транспорт ядро энергетика ускуналари ўрнатилган кемалардан фойдаланиш ва уларни утиллаштиришда; ж) радиоактив моддалардан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда; з) радионуклидлардан тиббиётда фойдаланилганда; и) ядро қуролини синашда; к) ядро қуролини қўллаганда каби турларга бўлинади.

Ишда атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчасига “табиат объектлари ва аҳолини радиациянинг ионлаштирувчи нурланишидан ҳимоя қилиш, экологик хавфсизликни

---

[6] Популярный энциклопедический словарь. –М.:Большая юридическая энциклопедия, 2002. С.532.

таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси” сифатида таъриф берилади.

Диссертацияда радиациявий хавф-хатар таъсир этиши мумкин бўлган объектлар сифатида, биринчидан, атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва сифати, иккинчидан, жамиятнинг экологик хавфсизлиги, учинчидан, фуқароларнинг табиий ресурсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи, ва, тўртинчидан, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ҳисобланиши баён қилинган.

Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг асосий объектларидан бири – давлат ва жамиятнинг экологик хавфсизлиги ҳисобланади. Экологик хавфсизлик деганда, “техноген ҳалокатларнинг олдини олиш, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш” тушунилади (Н.А.Гейт). Экологик ҳавфсизликни кўпчилик муаллифлар табиатни муҳофаза қилиш деб тор тушунадилар. Ваҳоланки, экологик ҳавфсизликнинг объекти анча кенг бўлиб, у табиий хавф-ҳатар натижасида инсон, жамият ва давлатнинг экологик манфаатларига жиддий зарар етказиши билан изоҳланади. Шундан келиб чиқиб, экологик ҳавфсизликни инсон, жамият ва давлатнинг экологик манфаатлари, атроф табиий муҳитнинг сифати бузилиши натижасида етказилган ва етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш ва бартараф қилиш ҳолати, деб тушуниш керак.

Радиациявий хавф-хатар таъсирининг навбатдаги объекти – юридик ва жисмоний шахсларнинг табиат бойликларига нисбатан бўлган мулкчиликка тегишли субъектив ҳуқуқидир. Шуни айтиш керакки, табиат объектларига нисбатан ҳуқуқий муносабатда бўлиш бир неча шаклларда амалга оширилиши мумкин. Булар, биринчидан, табиат объектларига нисбатан мулкчилик ҳуқуқи, иккинчидан, уларга нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи орқали, учинчидан, табиат объектларини эгалик қилишга ва фойдаланишга олмасдан туриб, уларга таъсир қилиш ҳуқуқи воситаси йўли билан амалга оширилиши мумкин. Радиациявий хавф-хатарнинг таъсири юридик ва жисмоний шахсларнинг табиат объектларига нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини тўла даражада амалга оширишга халақит қилиши мумкин.

Радиациявий таъсирнинг алоҳида объекти фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва инсон соғлиги ҳисобланади. Радиациявий хавф-хатар таъсири объектлари ичида инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай ҳуқуқнинг алоҳида объект эканлиги фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш давлатнинг асосий ва энг устувор вазифаси эканлиги билан изоҳланади.

Радиациявий хавф-хатарнинг таъсирини олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритганда, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормалари хусусида тўхталиб ўтиш керак. Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни нормаларида атроф табиий муҳитни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш,

фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф табиий муҳит ва инсон саломатлигини турли хил экологик хавф-хатарлардан муҳофаза қилиш, корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари каби ҳуқуқий муносабатлар атрофлича тартибга солинган.

Атроф табиий муҳитни радиациявий хавф-хатар таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунида умумий тарзда белгиланган.

Атроф табиий муҳит ва инсон саломатлигини радиация таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги қонуни муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонуннинг мақсади радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек, атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат[7] (1-модда).

Ўзбекистон Республикасининг "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги қонунида одамларга радиациявий таъсирнинг алоҳида турлари бўйича радиациявий хавфсизликни таъминлашга нисбатан қуйиладиган талаблар белгиланган. Унга кўра, бу талабларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: атроф табиий муҳит ва аҳолига радиациявий таъсирнинг техноген манбалари бўйича; тиббий характердаги ионлаштирувчи нурланиш манбалари бўйича; медицинага оид, рентген-радиологик муолажаларни ўтказишда радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича; озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, ичимлик сувини истеъмол қилишда радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича; радиациявий фалокат пайтида радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш, радиоактив чиқиндилар билан хавфсиз муносабатда бўлиш, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлашга нисбатан бўлган талаблар "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги, "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунларда нормаланган.

Бугунги кунда атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилиш бўйича экологик талабларни таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифларни билдириш ўринлидир: биринчидан, радиоактив чиқиндилар билан хавфсиз муносабатда бўлишнинг илмий асослари ва янги услубларини, шу жумладан, радиоактив чиқиндиларни ер остига кўмиш оқибатларини башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш; иккинчидан, радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишнинг ягона тартибини белгилаб берувчи умумий концепция ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш; учинчидан, радиоактив чиқиндиларни сақлаш жойлари, юзага келиш манбалари, тавсифлари, миқдори бўйича маълумотлар банкини, ифлосланган ҳудудлар кадастрини, радиоактив

[7] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 212-модда

чиқиндилар билан муносабатда бўлишнинг комплекс экологик мониторинги тизимини бунёд этиш; тўртинчидан, саноат объектлари фаолияти натижасида юзага келган радиоактив зарарланган жойларни комплекс экологик тадқиқ этиш. Ушбу устувор вазифалар ўзининг ҳуқуқий асосини топиши лозим.

Диссертация ишининг **“Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари”,** деб номланувчи иккинчи бобида атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли, атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш чораси сифатида юридик жавобгарликни қўллаш тартиби ва моҳияти таҳлил қилинган.

Диссертацияда ёзилишича, радиациявий хавфсизликни таъминлаш учун ушбу муносабатларда давлатнинг доимий ва аниқ йўналтирилган таъсири бўлиши лозим. Давлат бошқарувининг асосий вазифаси маъмурий ва ҳуқуқий чоралар тизими ёрдамида радиациявий хавфсизликни таъминлашнинг муносиб ҳимоясини ташкил этишга қаратилиши керак.

Радиациявий хавфсизликни таъминлашда давлат бошқарувини амалга ошириш шакллари сифатида 1) ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш, қўллаш ва бажаришни таъминлаш (назоратнинг ушбу шаклига қонун, қарор, фармон, фармойиш, дастур, шунингдек, нормативлар, стандартлар ва шу кабиларни қабул қилиш, тасдиқлаш, қўллаш ва бажарилиши таъминлаш киради); 2) мониторинг хизматини юритиш; 3) назорат фаолиятини амалга ошириш (текшириш, баҳолаш, таҳлил ўтказиш, кадастр юритиш ва ҳисобдорлик)ни санаб кўрсатиш мумкин.

Радиациявий хавфсизликни таъминлашда давлат бошқарувини амалга оширувчи қонунчилик ҳокимияти органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси алоҳида ўринни эгаллайди. Қонун ва қонуности ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили Олий Мажлиснинг радиациявий хавфсизликни таъминлашни тартибга солиш борасидаги асосий функцияси қуйидаги устувор йўналишларда амалга оширилади: биринчидан, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; иккинчидан, қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш.

Илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўрни ва роли ҳам алоҳида ўрганилган. Диссертация тадқиқотлари доирасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ҳокимияти органларининг ўзаро уйғунликда фаолият юритишини таъминлайди. Бугунги кунга келиб, давлатимиз Президенти томонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга тааллуқли юздан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларда юридик жавобгарликни қўллаш чоралари, табиий ресурслардан фойдаланиш механизмини ҳаётда татбиқ этиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви органларининг тизимини такомиллаштириш каби масалалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси радиациявий хавфсизликни таъминлашни амалга оширувчи олий ижро ҳокимияти ҳисобланади. Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳимоя этиш бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини қуйидаги махсус қарорларда кўриш мумкин. Хусусан, 2016 йилда 5526 та мурожаат кўриб чиқилиб, озонни бузувчи моддаларни республика худудига олиб кириш учун 13 та ҳамда таркибида озонни бузувчи моддалар мавжуд бўлган маҳсулотларни республика ҳудудига олиб кириш учун 207 та рухсатнома расмийлаштирилган, озон қатламига хавфсиз бўлган моддаларни олиб кириш учун 49 та рухсат этувчи хат, шунингдек, рухсат талаб этилмаслиги тўғрисида 5342 та жавоб хати юборилган[8]. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги "Таркибида симоб моддаси бўлган лампалар ва приборлардан фойдаланиш ва уларни фойдали равишда ишлатиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида"ги 405-сонли қарори таъминлаш борасида республика бўйича 500,46 минг дона яроқсиз ҳолга келган лампалар утилизация қилинган.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари сирасига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам киради. Уларнинг ваколатлари Конституцияда, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунлар[9]да ҳамда табиий ресурслар қонунчилигининг тегишли моддаларида мустаҳкамланган.

Радиациявий хавфсизликни таъминлашни давлат томонидан тартибга солишни радиациявий хавфсизликка доир талабларга риоя этилишини давлат томонидан назорат қилиш ва текшириш; ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш; қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик ва техник сувлар, қурилиш материаллари ва улардан тайёрланган буюмларни радиациявий ифлосланишдан сертификатлаш; барча турдаги қурилиш учун ер участкалари ажратилаётганда радиациявий ифлосланишни аниқлаш каби вазифаларни қамраб олади.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган жамоатчилик назорати инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини ҳам муайян даражада таъминлайди.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоат экологик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштирилиши бизни ўраб турган атроф табиий муҳитни муҳофаза килиш, уни соғломлаштириш, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилишида муҳим роль ўйнайди.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасини "Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш объектларининг давлат экспертизасини Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

---

[8] Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йилдаги фаолияти бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.

[9] Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. lex.uz-сайти.

вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади”, деган иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф асослантирилди.

Илмий ишда давлат экологик экспертизасининг қуйидаги турлари кўрсатилди: а) умумий экологик экспертиза; б) атом энергиясидан фойдаланишда аҳолининг радиациявий хавфсизлигини таъминлаш экспертизаси; в) атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг тиббий-эпидемиологик экспертизаси; г) хавфли саноат объектларининг ишлаб чиқариш хавфсизлиги экспертизаси; д) шаҳар қурилиш соҳасида архитектура-қурилиш экспертизаси.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш экспертизасини тайёрлаш ва ўтказиш қуйидаги йўналишлар бўйича талабларни ўзида мужассам этади: тақдим этилган материаллар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги; радиациявий хавфсизликни таъминлаш экспертизасини ташкиллаштириш ва ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишда сўралган фаолиятни текшириш; экспертиза ўтказиш графигини ва вазифаларини ишлаб чиқиш; сўралган фаолиятнинг радиациявий хавфсизлигини асословчи ҳужжатлар таркибини белгилаш; эксперт комиссиясини тузиш; экспертизада иштирок этадиган экспертларнинг таркиби ва билимларига қўйиладиган талабларни белгилаш; эксперт хулосаларига қўйиладиган талабларни белгилаш.

Диссертация ишининг учинчи боби **“Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилиш воситаси сифатида юридик жавобгарлик жазо чоралари”** деб номланиб, унда атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилишда юридик жавобгарлик жазо чораларининг ўрни масалалари тадқиқ қилинган.

Радиациявий хавфсизликни таъминлашда учрайдиган ҳуқуқбузарликларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлайдиган асосий белгиси унинг атроф табиий муҳитга ва шу орқали инсон саломатлигига етказадиган зарари ёхуд уни етказиш реал хавфининг туғилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида радациявий хавфсизликни таъминлашда учрайдиган ҳуқуқбузарлик турлари кўрсатилган. Шундай ҳуқуқбузарликдан бири экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш ҳисобланади. Бу ҳуқуқбузарлик саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши билан характерланади.

Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш – махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган

ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларни қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлишида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг бир қатор нормаларида радиациявий хавфсизликни таъминлаш муносабатларида учрайдиган ҳуқуқбузарликлар турлари ўрнатилган. Шундай ҳуқуқбузарлик турларидан бири ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланишдир.

Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш – чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланиш орқали содир этилади. Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш радиациявий хавфсизликни таъминлашда учрайдиган ҳуқуқбузарлик турларидан бири ҳисобланади. Бу ҳуқуқбузарлик ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни тегишли рухсатномасиз, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда зарарсизлантириш ҳаракатлари орқали содир этилади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида кўп учрайдиган ҳуқубузарлик турларидан бири бу саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш қоидабузарлигидир.

Радиация хавфсизлигини таъминлашда учрайдиган ҳуқуқбузарлик турларидан бири – бу ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш қонунбузарлигидир. 2015 йилда атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи 284,9 мингта манба махсус ускуна-жиҳозлар ёрдамида текширилган. Таъкидлаш керакки, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 13,2 мингтага ортган. Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни белгиланган меъёрдан ортиқча ташлаган ва оқизган 14,8 мингдан ортиқ ифлослантирувчи манба аниқланиб, ушбу ҳолатлар бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан 32 млн. сўм маъмурий жарима ва атроф табиий муҳитни белгиланган нормативлардан ортиқ ифлослантирганлиги учун 1 млрд 648 млн.сўм компенсация тўловлари ундирилган[10].

[10] Экология хабарномаси, 2016, 4-сон, б.7.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги юридик жавобгарлик Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган экологик ҳуқуқий тартиботга тажовуз қилганлик ҳамда жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро алоқанинг оқилона ва илмий асосланган тизимини муҳофаза қилувчи қоида ва талабларга дахл қилганлик учун вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг бир қатор нормаларида радиациявий хавфсизликни таъминлаш муносабатларида учрайдиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини қўллаш мумкинлиги кўрсатилган.

Радиациявий хавфсизликни таъминлашда содир этиладиган жиноятлар учун юридик жавобгарлик масаласини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида радиациявий хавфсизликни таъминлашда учрайдиган бир гуруҳ ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш ҳуқуқбузарлиги, яъни саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши учун жавобгарлик белгиланган (193-модда).

Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш жинояти учун ЖКнинг 194-моддасида жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Унга кўра, махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларни қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган асосий жавобгарлик турларидан бири фукаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, у табиат объектларига мулкий зарар етказилганда келиб чиқади. Бу жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури ҳисобланиб экологик муносабатларда табиий бойликлар эгаси, мулкдори, фойдаланувчисига нисбатан мулкий зарар, яъни ерни, сувни, ҳавони ифлослантирганлик, ишдан чиқарганлик каби ҳолатларда қўлланилади.

Шу ўринда радиациявий хавфсизликни таъминлашда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун экологик-ҳуқуқий жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин: биринчидан, ифлослантирувчи моддаларни атмосферага нормативдан ортиқ

даражада ёки рухсатсиз чиқариб ташлаш, шунингдек атмосфера ҳавосига зарарли физик таъсир курсатиш учун жавобгарлик белгиланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 85-моддаси санкция қисмини “фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача” деган сўзлар билан тўлдириш лозим. Зеро, мазкур модда санкциясида фақат мансабдор шахслар жавобгарлиги белгиланган, аммо ушбу жиноят нафақат мансабдор шахс, балки фуқаролар томонидан ҳам содир этилиши мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига экологик меъёрлаш қоидаларини бир йил ичида такроран бузганлик ёки унинг натижасида оғир оқибатлар келиб чиққанлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида модда киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу экологик меъёрлаш талабларига қатъий риоя этилишини кафолатлайди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-бобини экологик меъёрлаш қоидаларини бузишга оид янги қисм билан тўлдириш керак.

Диссертация ишининг тўртинчи боби “**Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича халқаро тажриба ва ундан Ўзбекистон Республикасида радиациявий хавфсизликни таъминлашга оид қонунларни такомиллаштиришда фойдаланиш муаммолари”** деб номланиб, ушбу бобдаатроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича халқаро тажриба ва ундан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш истиқболлари, Ўзбекистон Республикасида радиациявий хавфсизликни таъминлашга оид қонунларни такомиллаштириш муаммолари таҳлил этилган.

Ўзбекистон бугунги кунга келиб, атроф табиий муҳит муҳофазаси тўғрисидаги 9 та Конвенция ва уларни ривожлантиришнинг тегишли Баённомаларига қўшилган бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 12 та халқаро келишувларни имзолаган. Ўзбекистон БМТ бошчилигида глобал табиатни муҳофаза қилишга доир кўпчилик Конвенцияларнинг аъзоси ҳисобланади. Булар жумласига Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси (1993 йил 18 май), Озон қатламини бузадиган ашёлар юзасидан Монреал Баённомаси (1993 йил 18 май), Озон қатламини бузадиган ашёлар юзасидан Монреал Баённомасига Лондон тузатиши (1998 йил 1 май), Озон қатламини бузадиган ашёлар юзасидан Монреал Баённомасига Копенгаген тузатиши (1998 йил 1 май), Атроф муҳитга таъсир қилиш воситаларидан ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай бузғунчилик мақсадларида фойдаланишни ман этиш тўғрисидаги Конвенция (1993 йил 26 май), Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Рамо конвенцияси (1993 йил 20 май), (Киото протоколи, 1999 йил), Хавфли чиқиндиларни чегараларошa жўнатиш ва уларни йўқ қилиш устидан назорат тўғрисидаги Базель Конвенцияси (1995 йил 22 декабр) ва бошқаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишда халқаро ташкилотларнинг ўрни беқиёсдир. Бу ташкилотларнинг энг йириги – МАГАТЭ ҳисобланади. Агентликнинг Низомига биноан, унинг мақсади атом

энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга эришишга кўмаклашиш ва уни назорат қилиш ҳисобланади. МАГАТЭ дунёнинг 35 мамлакатидан иборат бошқарувчилар Кенгаши орқали қуйидаги экологик масалаларни кўриб чиқади: атом электростанцияларни куриш ва ишлатиш қоидаларини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш ёки лойиҳадаги атом электростанцияларнинг экологик хавфсизлигини экспертиза қилиш; атом қурилмалари ва материалларини атроф муҳитга таъсирини баҳолаш; радиациявий хавфсизлик меъёрларини белгилаш; турли атом қуролларини синаш, унга тайёрлаш ёки лаборатория синовларини ўтказиш бўйича мониторингни олиб бориш.

Радиациявий таъсирнинг олдини олишда халқаро-ҳуқуқий муҳофаза усулларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай усуллар халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланган резолюция, конвенция, халқаро шартномалар, келишувлар, декларациялар ва қарорларда ўз ифодасини топади. Бундай ҳужжатлар сирасига “Ишлатилган ёқилғи билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги ва радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги тўғрисида”ги қўшма конвенция (2003 йил), “Ядровий зарар учун фуқаровий жавобгарлик тўғрисида”ги Вена конвенцияси (1997 йил), “Ядровий зарар учун қўшимча товон тўлаш тўғрисида”ги конвенция (1997 йил), “Ядровий хавфсизлик тўғрисида”ги конвенция (1994 йил), “Космос бўшлиғида энергиянинг ядровий манбаларидан фойдаланишга тааллуқли тамойиллар” (1992 йил), “Ядровий ёки радиациявий фалокат вазиятларида ёрдам бериш тўғрисида”ги конвенция (1991 йил), “Ядровий фалокат тўғрисида тезкорлик билан хабар бериш тўғрисида”ги конвенция (1991 йил), “Ядровий ёки радиациявий фалокат вазиятларда ёрдам бериш тўғрисида”ги конвенция (1986 йил)ни мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги даврда Ғарб давлатларининг ядровий материаллар, ядро ускуналари, ядро материаллари ва радиоактив ашёларни сақлаш пунктларига бўлган мулкчиликни тартибга солишга бўлган ёндашуви МДҲ мамлакатлари қонунчилигида мавжуд қоидалардан тубдан фарқ қилади[11]. Масалан, АҚШда ядровий материаллар ва уларнинг чиқиндилари айланмасининг бозор механизми тўлиқ шаклланиб бўлган. Ядро материаллари ва радиоактив чиқиндилар мулкдори бўлган юридик шахслар фаолияти устидан давлат назорати лицензиялаш тизими билан таъминланади. Шундай қилиб, юридик шахслар ядро материаллари ва радиоактив чиқиндилар мулкдори бўлишлари мумкин. Агар улар ядровий тартибга солиш комиссияси томонидан бериладиган махсус лицензияга эга бўлсалар, ядро материаллари ва радиоактив чиқиндиларни сақлаш пунктларига ҳам эгалик қилишлари мумкин.

Буюк Британияда юридик шахсларга ядро материалларини хусусий мулк сифатида сотиб олишни таъқиқловчи қонун нормалари мавжуд эмас. Францияда юридик шахслар ядро материаллари, ядро ускуналари ва уларни сақлаш пунктларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқига эгадирлар. Японияда ядро материаллари, ядро ёқилғиси ва ядро реакторлари билан боғлиқ чекловлар

---

[11] Иойриш А.И., Терентьев В.Г., Чопорняк А.Б. Ядерные материалы: проблемы собственности. //Атомная стратегия. 2006. № 20. С.49.

тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиш шарти билан юридик шахслар ядро материаллари, ядро ускуналари ва уларни сақлаш пунктлари мулкдори бўлиши мумкин. Баъзи МДҲ мамлакатлари қонунчилигида ҳам худди шунга ўхшаш қоидалар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, Украинанинг “Атом энергиясидан фойдаланиш ва радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунида айтилишича, ядро ускуналари ва ионлаштирувчи нурланиш манбалари юридик шахслар мулкида бўлиши мумкин, Қозоғистон Республикасининг “Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунига биноан ядровий материаллар юридик шахсларнинг мулки бўлишига йўл қўйилади.

Россия Федерациясида атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда қуйидаги Федерал қонунларни санаб кўрсатиш мумкин: “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида” (1991 йил), “Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида” (1992), “Аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатдан фаровонлиги тўғрисида” (1999 йил), “Аҳолини табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”(1994 йил)ги қонунлари, Шаҳарсозлик кодекси (1998). Санаб кўрсатилган қонунлар инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги, яшаш муҳитини ҳимоя қилиш каби ягона муҳофаза объектини белгилайди.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, турли синфга тааллуқли радиоактив моддаларнинг фаолият доираси қай тарзда пайдо бўлишидан қатъий назар, муносабатга киришиш масалалари қоида бўйича ягона давлат структураси (Франция ва Испанияда радиоактив чиқинларни бошқариш миллий Агентликлари –ANDRA) доирасида ҳал қилинади ҳамда қонунчилик базаси ва иқтисодий механизм ушбу ҳолатни ўзида ифода этади.

Мамлакатимизда радиациявий хавфсизликни таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, биринчидан, ушбу муаммони тартибга солиш предметини аниқлаш, иккинчидан, миллий қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш, учинчидан, ушбу қонунларнинг ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишни таъминлашга оид асосий муаммоларни тўла ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, бугунги кунда радиоактив чиқиндиларни сақлаш пунктлари давлат реестрини юритиш тартиби, радиоактив чиқиндиларни зарарсизлантириш, қайта ишлаш, сақлаш ва кўмиб ташлаш технологиялари тўғрисидаги маълумотлар банкини юритиш тўғрисидаги локал ҳужжатлар мавжуд эмас.

Диссертацияда бугунги глобаллашув шароитида аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, атроф табиий муҳитни турли хил салбий таъсирлардан муҳофаза қилишнинг муҳимлигини инобатга олиб, “Радиоактив материаллар ва чиқиндилар билан муносабатда бўлиш тўғрисида”ги махсус қонунни ишлаб чиқиш лозимлиги билдирилди. Радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишнинг барча турлари, яъни радиоактив чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, радиоактив чиқиндиларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, утиллаштириш ва кўмиб

ташлаш, мажбурий суғурта масалалари ушбу қонун билан тартибга солиниши лозим.

Х У Л О С А

Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш комплекс тадқиқ этишва бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида қуйидаги концептуал хулосаларга келишга ва тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Атроф табиий муҳит радиация таъсиридан ҳуқуқий ҳимоя қилишда экологик ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил объекти сифатида қаралади, чунки радиациявий хавфсизликни таъминлаш атроф табиий муҳит, инсон саломатлиги учун хавфли бўлган ионли нурланиш таъсиридан ҳимояланганлик ҳолатини ўзида ифода этади.

2. Тадқиқот ишида ионли нурланиш манбаларининг объектлари таркиби аниқланди: уларга ядровий қурилмалар; ядровий материаллар ҳамда радиоактив моддаларни сақлаш пунктлари; радиоактив моддаларни сақлаш омборхоналари, ушбу объектларга мансуб радиоактив моддалар; радиоактив чиқиндилар киради.

3. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида учрайдиган ҳуқуқий терминлар тушунчаси тўлиқ шаклланмаган. Экология қонунчилигидаги ушбу терминларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш зарурати мавжуд. Халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиб ишлатилган ядро ёқилғисини радиоактив чиқиндиларнинг бир тури сифатида тан олиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб, ишлатилган ядро ёнилғисини реактор актив худудида ва ундан олиб ташланган ядро ёнилғисини нурланган, деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

4. Ишда радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳуқуқий муносабатларнинг потенциал субъектлари таснифи келтирилди. Улар фаолияти радиоактив ашёлар билан бевосита муносабатга киришадиган юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Шундай субъектлар доирасига қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш лозим: Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон ҳукумати. Шунингдек, ушбу ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, радиоактив ашёлар билан муносабатда бўлиш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар ва комплекслар; радиоактив ашёлар билан муносабатда бўлиш бўйича амалга ошириладиган объектларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ишлари билан шуғулланадиган илмий тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари ва лойиҳа институтлари; радиоактив ашёлар билан муносабатда бўлишни тўғридан-тўғри амалга оширадиган ходимлар.

5. Тадқиқот ишида атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқининг юридик табиати очиб берилди. Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш экология ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиниб, у ушбу ҳуқуқ соҳасининг мустақил институти ҳисобланади. Радиация таъсиридан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар радиоактив чиқиндилар, шунингдек радиоактив материаллар ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш, утиллаштириш, сақлаш, кўмиб ташлаш ва улар билан муносабатда бўлишнинг бошқа турларини тартибга солувчи нормалардан ташкил топган

экология ҳуқуқининг мустақил, комплекс институти таркибига киради. Радиоактив чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ишлаб чиқариш, фойдаланиш, йўқ қилиш, сақлаш, кўмиш ва радиоактив моддалар ҳамда радиоактив материаллар билан ишлашнинг бошқа шаклларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалардан иборат бўлади. Шу жиҳатдан қараганда ушбу институтнинг нормалари биринчи навбатда, радиоактив чиқиндилар билан ишлаш, атроф табиий муҳит ва инсон соғлигини радиоактив ифлосланишдан сақлашнинг муҳим ташкилий-ҳуқуқий шакли, иккинчидан, хўжалик юритишнинг асосий шакли сифатида тартибга солади.

6. Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш ушбу фаолиятнинг алоҳида экологик хавфлилиги ҳамда стратегик аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, давлатнинг ҳукмрон кўрсатмаларига, талабларига, таъқиқларига ва рухсатларига асосланишини ҳамда бу борадаги жамоат назоратининг қоидаларини ҳам ҳисобга олишини кўрсатади. Шу жиҳатдан ушбу институт экология ҳуқуқининг бошқа институтларидан фарқ қилади.

7. Ишда радиациявий таъсир объектлари таснифи келтирилди. Унга биноан радиациявий хавф-хатар таъсир этиши мумкин бўлган объектлар бўлиб, *биринчидан,* мазкур таъсир хавф-хатарига дуч келувчи атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва сифати, *иккинчидан,* аҳолининг экологик хавфсизлиги, *учинчидан,* фуқароларнинг табиий ресурсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи, ва, *тўртинчидан,* инсоннинг соғлиғини сақлашга хизмат қилувчи фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ҳисобланади.

II. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасини “юқори даражадаги ионлаштирувчи нурланиш мавжуд объектларни муҳофаза қилиш” мазмунидаги олтинчи хатбоши билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Қонунга ушбу қоиданинг киритилиши радиациявий хавфсизликни таъминлашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

2. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасини “атроф табиий муҳитга ионлаштирувчи нурланиш даражасини меъёр асосида фойдаланиш” мазмунидаги янги қўшимча хатбоши билан тўлдириш лозим. Қонунга ушбу таҳрирдаги янги қисмни киритиш орқали нурланиш даражаси қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрдан юқори бўлган, фойдаланишга яроқсиз ҳамда атроф табиий муҳитга нисбатан хавфли таъсири узоқ муддат сақланиб қоладиган объектларни алоҳида қайта тиклашга хизмат қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси “ер ости бойликларини қазиб олиш натижасида пайдо бўладиган радиоактив чиқиндиларнинг олди олинса ва бартараф этилса”, таҳриридаги тўртинчи қисм билан тўлдирилиши лозим. Маълумки, корхона, муассаса, ташкилот ёки саноат объектлари фаолиятини амалга оширишда кам чиқитли техника-технология қўлланилишидан қатъий назар барибир яроқсиз чиқинди пайдо бўлади. Шу сабабдан, янги мазмундаги қисмни киритиш ер ости бойликларини қазиб олишда радиоактив чиқиндиларни белгиланган меъёрлардан ортиб кетишининг олдини олади.

4. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасида белгиланган “атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш ёхуд экология нуқтаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олишни”, мазмунидаги 5-хатбошини “табиий ресурслардан фойдаланишда ва атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш, ташиш, кўчириш ёхуд экология нуқтаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олиш ва унга қатъиян риоя қилишни”, таҳриридаги қоида билан алмаштириш лозим.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунининг асосий мақсадини қисқа ва тушунарли бўлиши учун унинг 1-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилмоқда: “Ушбу қонуннинг асосий мақсади атроф табиий муҳит ва аҳоли саломатлиги ҳамда мулкини радиациявий нурланишнинг меъёридан ортиқ зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат”.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- ушбу қонуннинг 3-моддаси олтинчи хатбошисини “табиат объектлари билан боғлиқ моддий маданий мерос объектларини асраб қолишдир” таҳририда;

- 45-модданинг биринчи қисмида ўрнатилган “рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда” мазмунидаги қоидани “рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерларда” таҳририда баён қилиш мақсадга мувофиқ;

7. Ўзбекистон Республикаси “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунининг ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш объектларининг давлат экспертизасига оид 9-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги қисм билан тўлдириш лозим: “Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш объектларининг давлат экспертизасини Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади”. Бу қоида, ўз навбатида, ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш объектларини давлат экспертизасидан ўтказишнинг ҳуқуқий тартибини мустаҳкамлайди ва радиациявий хавфсизликни таъминлашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

8. Қорақалпоғистон Республикасида радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек атроф табиий муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган Қорақалпоғистон Республикасининг “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

III. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш юзасидан амалиётни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

1. Радиациявий хавфсизликни ҳуқуқий тартибга солиш механизмига доир таҳлил асосида радиоактив ашёлардан фойдаланиш кафолатлари етарли эмас, деган хулосага келинди. Ушбу кафолатларни такомиллаштириш мақсадида

радиоактив чиқиндиларни жойлаштириш ва радиоактив моддаларни атмосферага чиқариш тўғрисидаги нормативларни тасдиқлаш, бундай нормативларни легаллаштириш шакли сифатида ҳақ олиш, Ўзбекистон ҳудудига киритилган радиоактив ашёларнинг ўзидан иссиқлик чиқарувчи йиғмалари учун республика ҳисобига келиб тушган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмини такомиллаштириш керак.

2. Аҳолининг радиациявий хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга зарурият туғилмоқда. Ўз кўламига кўра, радиоактив ифлосланишнинг атроф табиий муҳитга етказадиган зарари ўта жиддий бўлиб, амалдаги қонунчилик бу зарарни қоплаш механизмини белгилаб бермайди (мисол учун, табиатга салбий таъсир кўрсатганлик учун бадал тўлаш). Шу муносабат билан атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш учун бадал ундириш институтини жорий қилиш лозим. Бунинг учун атроф табиий муҳит радиоактив моддалар билан ифлослантирилганда етказилган зарарни ҳисоблашнинг иқтисодий усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, экологик хатарлар келиб чиққан тақдирда, табиатдан фойдаланувчиларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида экологик суғуртадан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

3. Бугунги кунда радиоактив чиқиндиларни сақлаш пунктлари давлат реестрини юритиш, радиоактив чиқиндиларни зарарсизлантириш, қайта ишлаш, сақлаш ва кўмиб ташлаш технологиялари тўғрисидаги маълумотлар банки юритилмайди. Шу муносабат билан радиоактив чиқиндиларни сақлаш пунктлари давлат реестрини юритишни йўлга қўйиш, шунингдек радиоактив чиқиндиларни зарарсизлантириш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш ва кўмиб ташлаш технологиялари тўғрисидаги маълумотлар банкини шакллантириш кераклиги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

4. Мамлакатимизда радиация таъсиридан зарарланган табиат объектлари ва ионлаштирувчи нурланишдан касалланган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар тўғрисидаги интернет сайтини яратиш ва ушбу сайтда ўз вақтида тўлиқ маълумотларнинг бериб борилиши мақсадга мувофиқ.

5. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш, аҳолини радиациявий хавф-хатар таъсиридан муҳофаза қилишни такомиллаштириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига радиациявий хавфсизликни олдини олиш муаммоларига бағишланган мавзуларни киритиш керак. Бу атроф табиий муҳит ва инсон саломатлигини радиация таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА DSc.32.30.08.2019.Yu.74.01ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

БАБАНАЗАРОВ КАЛБАЙ РУСТАМОВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВОЙ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ ОТ РАДИАЦИОННОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ

12.00.06 – Природоресурсное право. Аграрное право. Экологическое право

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК (DSC)

Ташкент – 2020

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.3.DSc/Yu45.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный консультант:	**Маткурбанов Рашид Жолдасбаевич** доктор юридических наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Холмуминов Жуманазар Тоштемирович** доктор юридических наук, профессор
	Сафаров Джахонгир Исмаилович доктор юридических наук, доцент
	Утегенов Онгарбай Дариябаевич доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	**Высшая школа судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится ___ _____ 2020 года в __:__ часов на заседании разового Научного совета на Основе Научного совета DSc.32.30.08.2019.Yu.74.01по присуждению ученых степеней при Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан (адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиатинский р-н, курган Чорсу. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан (зарегистрирована под №___). (адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиатинский р-н, курган Чорсу. Тел.: (99871) 230-32-71). факс: (998971) 230-32-50).

Автореферат диссертации разослан ___ _____2020 года.
(протокол реестра №___ от ___ _____2020 года).

М.Х.Рустамбаев
Председатель разового научного совета на основе научного совета, доктор юридических наук, профессор

М.Т.Ахмедова.
Секретарь разового научного совета на основе научного совета, доктор юридических наук, доцент

М.Б.Усмонов
Председатель научного семинара при разового научного совета, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и значимость темы диссертации. В мире актуальным являются вопросы охраны от антропогенного и иных негативно воздействующих факторов, сохранения и обеспечения состояния объектов окружающей среды, атмосферного воздуха, вод, земель, почв, недр, биоразнообразия, охраняемых природных территорий. Приоритетное использование материалов, продукции, производственных и иных объектов, представляющих наименьшую экологическую опасность, а также обеспечение экологически безопасного использования токсичных химических и радиоактивных веществ, совершенствование экологически безопасной системы обращения с отходами позволит обеспечить устойчивое развитие государства в целях защиты интересов будущего поколения.

Соблюдая международные принципы, сегодня в мире ведутся обширные научные исследования, направленные на достижение рационального использования химических элементов и его отходов на протяжении всего их жизненного цикла, а также исследования по резкому сокращению до минимального уровня выбросов отходов в воздух, воду и землю. При этом особо важное место занимают вопросы необходимости обеспечения радиационной безопасности, защиты жизни от радиационного воздействия, здоровья и имущества граждан, а также охраны окружающей среды от вредного воздействия ионизирующего излучения, в том числе вопросы научно-теоретического и практического решения проблем совершенствования правовой охраны окружающей среды от радиационного воздействия путем проведения мероприятий по сокращению случаев человеческой смертности и болезней в местах производства и захоронения химических веществ, и проблем по предупреждению, переработке и вторичному использованию отходов.

В нашей стране ведутся широкомасштабные мероприятия по всем направлениям государственной экологической политики. В Стратегии действий по пяти направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены такие важные задачи, как «обеспечение экологической безопасности проживания людей, строительство и модернизация комплексов переработки бытовых отходов, укрепление их материально-технической базы, обеспечение населения современными объектами утилизации отходов; предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения»[12]. Несмотря на широкомасштабные мероприятия, проводимые в сфере рационального пользования природными ресурсами, обеспечения улучшения экологической ситуации наблюдаются случаи нарушения требований экологического законодательства, несоблюдение экологически безопасного использования химических элементов и радиоактивных веществ. В свою очередь это

[12] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № 4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». // www.lex.uz.

свидетельствует о необходимости дальнейшего совершенствования правовой охраны окружающей среды от радиационного воздействия.

Диссертационное исследование направлено на дальнейшее совершенствование и исполнение норм законов Республики Узбекистан «Об охране природы» (1992), «О радиационной безопасности» (2000), «Об отходах» (2002), «Об использовании атомной энергии в мирных целях» (2019), Указов Президента Республики Узбекистан № УП–4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП–5594 от 12 декабря 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственного управления и надзора в сферах промышленной, радиационной и ядерной безопасности», №УП–5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», №УП–5024 от 21 апреля 2017 года «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан № 98 от 2 апреля 2009 года «Об утверждении правил организации системы государственного учета и контроля за оборотом источников ионизирующего излучения», № 375 от 15 июня 2017 года «Об утверждении Положения о порядке формирования и использования средств Фонда экологии, охраны окружающей среды и обращения с отходами», №841 от 20 октября 2018 года «О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» и служит повышению эффективности правового механизма государственной экологической политики.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа соответствует приоритетному направлению развития науки и технологий в Республике Узбекистан - «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики»

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[13]. Эколого-правовые исследования в сфере совершенствования охраны окружающей природной среды от радиационного воздействия проводятся в таких ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях, как Cambridge University, Wessex Institute of Technology (Великобритания), University of Toronto (Канада), Massachusetts Institute of Technology (США), Sapienza University of Rome, Roma Tre University (Италия), Osaka University (Япония), Kinday University (Япония), Inter – University Accelerator Center (Индия), Vienna International Centre (Австрия), Peking University (Китайская Народная Республика), Московский государственный университет, Петербургский государственный университет (Россия).

---

[13] Комментарии зарубежных научных исследований по теме диссертации: https://www.cam.ac.uk; https://www.wessex.ac.uk; https://www.utoronto.ca; https://www.web.mit.edu; https://www.uniroma1.it; https://www.uniroma3.it; http://www.osaka-u.ac.jp/en/index.html/; http://www.kindai.ac.jp/english/; http:www.iuac.res.in; http://www.unvienna.org; http:www.pku.edu.cn; http://www.msu.ru; http://www.spb.ru.

Анализ зарубежных научных исследований показал актуальность следующих вопросов, связанных с охраной окружающей природной среды от радиационного воздействия:

Обосновано предупреждение изменения климата путем обеспечения экологической безопасности и сохранения биоразнообразия (Cambridge University, Великобритания); обосновано совершенствование системы предупреждения о радиационной угрозе для обеспечении защиты здоровья человека (Wessex Institute of Technology, Великобритания, University of Toronto, Канада); выдвинуты предложения по внедрению системы регулярной оценки воздействия на окружающую среду и организм человека радиации (Massachusetts Institute of Technology, США); обоснована необходимость расширения общественного контроля в обеспечении радиационной безопасности (Sapienza University of Rome, Roma Tre University, Италия); выдвинуты рекомендации по разработке правовых основ использования и усиления радиактивных отходов (Osaka University, Япония); предложены правовые механизмы эффективной охраны окружающей природной среды от радиационного воздействия путем повышения роли органов и институтов местного государственного управления (Kinday University, Япония); обоснованы предложения по охране растений и животных от радиационного воздействия (Inter – University Accelerator Center, Индия); обоснована необходимость обновления международных стандартов по радиационной защите и ядерной безопасности, а также имплементации международных стандартов в сфере охраны от радиационного воздействия в национальное законодательство по охране окружающей природной среды (Vienna International Centre, Австрия); предложены правовые механизмы переработки радиоактивных отходов и безопасного обращения с ними (Peking University, Китайская Народная Республика); обосновано совершенствование радиационной безопасности путем охраны окружающей природной среды и оценки воздействия на окружающую среду (Московский госдуарственный университет, Россия); обоснована разработка программы по устранению радиационной угрозы в обеспечении экологической безопасности (Петербургский государственный университет, Россия).

Степень изученности проблемы. Те или иные аспекты правовой охраны окружающей природной среды от радиационного воздействия были изучены в научных трудах отечественных ученых экологов-правоведов таких, как Й.О.Жураев, М.Б.Усмонов, Ж.Т.Холмуминов, Ш.Х.Файзиев, Н.К.Скрипников, Дж.И.Сафаров, М.М.Нурматов[14].

---

